2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

5 (555)

2007 йил 31 январь

Чоршанба

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

Саҳифада

2
- Кредит — тадбиркорга катта кўмак
- Бир «юмалаб» ...журналист бўлдими?

3
- Ижтимоий муҳофаза — эҳтиёжмандлар учун!
- Хўжадиякнинг ҳотамитойи

4
- Абадиятга дахлдор Паҳлавон...
- Шивлими ёки Шайх Шиблий?..

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

30 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Депутатлар "Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасининг моддама-модда муҳокамасини давом эттирдилар. Қонун лойиҳасининг "Давлат божи тўғрисида"ги қонунга, Фуқаролик кодекси, Фуқаролик процессуал кодекси, Хўжалик процессуал кодексига, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги ҳамда "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги қонунларга ўзгартишлар киритиш ҳақидаги нормалари батафсил таҳлил этилди.

Қонун лойиҳаси "Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги қонун қабул қилинганлиги мунасабати билан судда ишларни юритишни янада такомиллаштиришга қаратилган ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил январда бўлиб ўтган қўшма мажлисида Президент Ислом Каримов томонидан илгари сурилган давлатимизни ривожлантириш концепциясига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштириш жараёнига тўла-тўкис мос келади. Киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар, энг аввало, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори билан боғлиқ ишларни кўришга, ҳакамлик судида кўзғатилган даъвони таъминлаш чораларига, ҳакамлик суди ҳал қилув қарорларининг ижросига, ҳакамлик суди институти амал қилишидан келиб чиқадиган бошқа ҳуқуқий қоидаларга дахлдордир.

Муҳокама чоғида депутатлар мазкур ҳужжатни такомиллаштиришга қаратилган бир қатор таклифлар ва фикр-мулоҳазалар билдирдилар. Қонунчилик палатаси киритилган тузатишларни ҳисобга олган ҳолда мазкур қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилди ва масъул қўмитага лойиҳани учинчи ўқишда кўриб чиқиш учун маромига етказишни топширди.

ЎзА

ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИГИМИЗ ГАРОВИ

Ички ишлар идоралари, хусусан, профилактика инспекторларининг халқ билан ҳамжиҳатлиги юртимизда тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш, жиноятчиликнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан милиция таянч пунктлари инфратузилмасини янада такомиллаштириш мақсадида ўтказиб келинаётган анъанавий "Намунали милиция таянч пункти" кўрик-танловининг алоҳида ўрни бор.

Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида мазкур кўрик-танловнинг 2006 йил натижалари бўйича якуний босқичи бўлиб ўтди.

Унда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири А.Орипов, ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б.Матлюбов ва бошқалар мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар самараси туфайли ушбу тизим фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоячисига айланаётганини алоҳида таъкидладилар.

Бунда давлатимиз раҳбарининг республика ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштиришга оид фармони муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Юртимизда жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган изчил чора-тадбирларни амалга оширишда жойларда фаолият юритаётган профилактика инспекторларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Бугунги кунда юртимизда 3,5 мингдан зиёд милиция таянч пункти фаолият юритяпти. Уларнинг атрофида турли тўгараклар, кичик бизнес шохобчалари, вояга етмаганлар ва ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун зарур анжомлар билан жиҳозланган спорт майдончалари барпо этилган. Яратилаётган бундай шарт-шароит ва имкониятлардан самарали фойдаланиш, профилактика инспекторларининг жамоатчилик билан ҳамжиҳатлигининг тобора мустаҳкамланаётгани муваффақиятлар омили бўлмоқда. Профилактика инспекторлари, маҳалла оқсоқоли, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, хотин-қизлар кенгаши, яраштириш комиссияси ва посбонларнинг бир жойда, замонавий жиҳозлар ва зарур алоқа воситалари билан таъминланган биноларда фаолият юритаётгани иш самарадорлигини оширмоқда. 2006 йили мамлакатимизнинг 2599 маҳалласида бирорта ҳам жиноят содир этилишига йўл қўйилмади.

Танловда мамлакатимизнинг тўртта ҳудуди бўйича энг яхши кўрсаткичларга эришган милиция таянч пунктлари аниқланди. Пойтахтимизнинг Учтепа тумани Журжониий, Наманган вилоятининг Поп тумани Ғурумсарой, Жиззах вилоятининг Мирзачўл тумани Дўстлик, Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон тумани Исмоилтепа маҳаллаларидаги милиция таянч пунктлари биринчи ўринни эгаллади. Ғолибларга "Дамас" автомашиналари тақдим этилди.

"Энг фаол профилактика инспектори", «Вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизматининг энг фаол ходими", "Аҳоли ўртасида катта обрў-эътибор қозонган энг фаол маҳалла оқсоқоли", "Энг фаол маҳалла посбони", "Энг фаол диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи", "Энг фаол хотин-қизлар кенгаши раиси" номинациялари бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари С.Иномова, Р.Қосимов иштирок этди.

Н. АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири.

Наманган вилояти

ТАБИАТ ИНЪОМИ

Поп тумани Ғурумсарой қишлоғидаги табиий ерости минерал сув булоғи яқинида жойлашган физиотерапия шифохонаси аҳолига сифатли хизмат кўрсатмоқда.

Қарийб 2,5 минг метр чуқурликдан 95 даражали шифобахш минерал сув оқиб чиқади. Республика Физиотерапия илмий-тадқиқот институти мутахассисларининг фикрича, сувнинг таркибида кремний, йод, бром, азот, калий, натрий тузи ва бошқа микроэлементлар бор. Бугун шифохонада юрак-қон томир, асаб, гинекология, буйрак, ошқозон, ўн икки бармоқли ичак, ҳаракат-таянч аппарати хасталиклари билан касалланган беморлар даволанмоқда.

— Ижтимоий ҳимоя йилида ҳар бир маҳалладан айрим беморларни бепул даволашни ташкил этдик, — дейди бош шифокор Шокир Тоштемиров. — 1-гуруҳ ногиронлари ҳам бепул даволаниш ҳуқуқига, бошқа гуруҳдаги ногиронлар эса 30 фоиз чегирмадан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

И.РАЗЗОҚОВ,
ЎзА мухбири.

Жиззах вилояти

Вилоятда асаларичиликни ривожлантириш имкониятлари катта. Зомин, Бахмал тоғ ёнбағирларида етиштирилаётган асал шифобахшлиги билан машҳур.

АСАЛАРИЧИЛИК – ИСТИҚБОЛЛИ СОҲА

Ҳудудда фаолият кўрсатаётган элликка яқин асаларичи ҳар йили истеъмолчиларга 35-40 тонна атрофида асал етказиб бермоқда. Кейинги йилларда "Зомин асали", "Маърифат" фирмалари тармоқни ривожлантиришда яхши натижаларга эришаётир.

Жиззах шаҳрида бўлиб ўтган вилоят асаларичиларининг ўқув семинарида қўлга киритилаётган ютуқлар, соҳани янада ривожлантириш истиқболлари, асаларичилик билан шуғулланадиган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларга амалий ёрдам бериш масалалари муҳокама этилди.

Мазкур тадбирда асаларичиларга молиявий ёрдам бериш, маҳсулотни экспорт қилиш, ёшларни бу касбга йўналтириш масалалари бўйича ҳам фикр алмашилди.

Т.БЕКНАЗАРОВ,
ЎзА мухбири.

Бугун "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви пленуми бўлиб ўтади

Сарҳисоб хулосаси: ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧ ЯНАДА ОШМОҚДА

Бугун Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси республика бошқарувининг "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг 2006 йилдаги фаолияти якунларига оид масалалар муҳокамасига бағишланган навбатдаги пленуми бўлиб ўтади.

Пленумда "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви раиси А.Аҳмедов жамғарманинг 2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили давомидаги фаолияти хусусида маъруза қилади.

Маълумки, мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлашга, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган ислоҳотлар қўлами йил сайин кенгайиб бормоқда. Бунинг самараси ўлароқ, аҳолининг турмуш даражаси анча фаровонлашди, инсоннинг қадр-қиммати улуғланди, юртдошларимиз қалбида келажакка — эртанги кунга бўлган ишончу ихлос янада ортди. Албатта, Ўзбекистондаги бундай ижобий ўзгаришлар тепасида инсонпарварлик сиёсатини юритиб келаётган давлатимиз ва Юртбошимиз турибди. Ўз навбатида Республикамиз Президенти ва ҳукуматининг бундай ғамхўрлигини, раҳнамолигини мамлакатимиз аҳолиси ҳам бир овоздан маъқулламоқда ва қадрламоқда.

Худди мана шу ўринда давлат ва халқ манфаатларини, мақсад-муддаоларини муштараклаштириб, мустаҳкам боғлаб турган ўзини ўзи бошқариш тизими, хусусан, маҳалла фуқаролар йиғинларининг беқиёс хизматлари яққол намоён бўлади. Жумладан, ўтган 2006 йилда "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" давлат дастурининг изчил бажарилишида ҳам "Маҳалла" жамғармаси ходимларининг муносиб улуши бўлди. Ўтган йил мобайнида жамғарманинг республика бошқаруви ҳамда жойлардаги бўлим ва бўлинмалари томонидан йил дастуридаги энг асосий йўналиш вазифалари — аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва меҳр-мурувват ишларига 3 миллиард 821 миллион 500 минг сўм миқдорида маблағ сарфланди. Эътиборли жиҳати, бу ўтган йил давомида жамғарма ҳисобидан сарф этилган умумий маблағнинг 75 фоизини ташкил этади. Хусусан, кам таъминланган ва ижтимоий ёрдамга муҳтож фуқаролар ҳамда тегишли муассасалардан келиб тушган 37460 та ариза жамғарманинг республика бошқаруви ҳамда унинг бўлим ва бўлинмалари томонидан ўрганиб чиқилиб, 34650 таси (92,5 фоизи) ижобий ҳал этилди ва уларга 1 миллиард 877 миллион 900 минг сўмлик хайрия ёрдамлари ажратилди. Шунингдек, турли саналар муносабати билан маҳаллаларда байрам тадбирлари ўтказилиб, эҳтиёжманд инсонларга ҳомийлар кўмагида 4 миллиард 526 миллион 600 минг сўмлик меҳр-мурувват кўрсатилди. Шундан 1 миллиард 347 миллион 400 минг сўми жамғарма улушини ташкил этади.

Таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлашда ҳам жамғарма ходимлари ташаббускор ва ташкилотчи бўлди. Хусусан, ўтган йилда мазкур қарор асосида жамғарма ҳисобидан кам таъминланган ва кўп болали оилаларга 569,6 миллион сўмлик, жами 1424 бош қорамол олиб берилгани фикримиз тасдиғи. Бундан ташқари, Наврўз ва Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги байрамлари арафасида ўтказилган умумхалқ ҳашари кунларида 71 минг 402 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолига 166,3 миллион сўмлик моддий ёрдам ҳамда Саховат, Мурувват ва Меҳрибонлик уйларининг моддий-техника базасини яхшилашга кўмаклашиш мақсадида 494,6 миллион сўмлик ҳомийлик кўмаги ажратилди. Шу билан бирга ёзги таътил мавсумида болалар ва ўсмирларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш ҳамда уларни соғломлаштириш ишларига 213,9 миллион сўм сарфланди. Ҳомийларни кенг жалб этиш орқали мазкур тадбирларни ўтказишга қўшимча 5 миллиард 388 миллион сўмдан зиёд маблағ сарф этилгани ҳам бу соҳадаги фаолият кўламининг янада кенг қамровли бўлишига хизмат қилди.

Давоми 2-саҳифада

Самарқанд вилояти

ISUZU МАШИНАЛАРИ САМАРҚАНДДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ

"Сам Авто" масъулияти чекланган жамияти Японияниинг "Исузу Моторс Лимитед" компанияси билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Айни кунларда корхона япон ишбилармонлари кўмагида замонавий ишлаб чиқариш технологиялари билан таъминланиб, бу ерда "Исузу" русумли янги автобус ва юк машиналари ишлаб чиқарилмоқда.

Яқинда корхонада тайёрланган биринчи автобуснинг тантанали тақдимоти бўлди. Йилига 4 минг дона автоулов ишлаб чиқариш қувватига эга ушбу корхона маҳсулотлари келгусида нафақат мамлакатимизда, балки Марказий Осиё ва МДҲ мамлакатлари кўчаларида аҳолига сифатли хизмат қилади.

Самарқанд автомобиль заводи жамоаси жорий йилда 1,5 мингта "Исузу" автобус ва юк автомобилларини ишлаб чиқаришни мўлжаллаган. Завод жамоасининг дастлабки нияти Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейи арафасида шаҳар аҳолиси учун 200 та автобусни фойдаланишга топширишдир.

Рустам ҲАЙИТОВ,
"Mahalla" мухбири.

Бухоро вилояти

Сарҳадга туташ маҳаллаларда

ЧЕГАРА ПОСБОНЛАРИ

Қирлишон қишлоқ фуқаролар йиғини Олот тумани марказидан 25 километр узоқликда, қўшни Туркманистон Республикаси билан чегарадош ҳудудда жойлашган. Шу боис бу ерда тинчлик-осойишталик, барқарорлик ҳукм суриши учун доимо сергак ва огоҳ бўлиш талаб этилади.

Ҳудудда тинчлик ва осойишталикни сақлашда қишлоқ фуқаролар йиғини қошида ташкил этилган чегара ва қишлоқ посбонлари гуруҳи, тунги қоровул постларининг хизмати катта. Ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ва чегара қўшинлари билан ҳамкорлик асосида иш олиб бораётган осойишталик жонкуярлари мунтазам равишда қишлоқдаги ўқув даргоҳлари, қорақўлчиликка ихтисослашган "Олот" ширкат хўжалиги, фермер хўжаликлари аъзолари ва аҳоли истиқомат жойларида бўлиб, юртимиз сарҳадлари осойишталигини сақлаш борасида суҳбатлар, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришмоқда. Жойларда "Огоҳлик — давр талаби", "Чегара тинч — юрт тинч", "Тинчлик — буюк неъмат" каби шиорлар остида ўтказилган тадбирлар шулар жумласидан. Ана шундай саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ кейинги йилларда хориждан келтирилган турли маҳсулотларни юртимизга ноқонуний йўл билан олиб кириш ҳолатлари, аҳоли тинчлигига раҳна солувчи ҳатти-ҳаракатлар юз бермади.

Айниқса, бу борада милиция таянч пунктининг профилактика ишлари бўйича инспектори Нурали Жўраевнинг олиб бораётган ишлари таҳсинга лойиқ. У аҳоли ва тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда ноқонуний айланма йўлларни йўқотиш, қишлоққа келиб-кетувчи фуқароларнинг асл мақсадини аниқлаш йўлида изчил фаолият юритмоқда.

Равшан ЧОРИЕВ,
Қирлишон қишлоқ фуқаролар йиғини котиби.

Қашқадарё вилояти

Карор ва ижро

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Шаҳрисабз туманидаги "Авазмалик-консерва" масъулияти чекланган жамияти ва мева-сабзавот етиштирувчи фермер хўжаликлари таъсисчилигида "Бобур мева-сабзавот" агрофирмаси ташкил этилди.

Агрофирма маҳсулот етиштирувчи ва буюртмачилар ўртасида тузилган шартнома асосида тайёрланган консерва маҳсулотларини "Авазмалик-консерва" МЧЖнинг Альметорск шаҳридаги ваколатхонаси орқали Россия бозорларига чиқаришни таъминлайди. Жамият ўтган йили Шаҳрисабз ва Китоб туманларидаги фермер хўжаликларидан 2000 тоннага яқин помидор ва бодринг қабул қилиб олиб, 200 минг шартли банка томат ва 40 минг банка маринадланган бодринг ва помидор маҳсулотлари ишлаб чиқариб, Россияга экспорт қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилингандан сўнг етиштирилган маҳсулотни қайта ишлаб, ички ва ташқи бозорларни сифатли консерва маҳсулотлари билан таъминлаш учун кенг имкониятлар яратилди. Собиқ ширкат хўжаликлари тугатилиб, ўрнида фермер хўжаликлари ташкил этилгандан сўнг 1400 гектарга яқин экин майдонлари сабзавотчилик маҳсулотлари етиштириш учун ажратилди.

— 2006 йилда 150 дан зиёд фермер хўжалиги билан шартнома тузиб, уларга олдиндан 30 миллион сўм аванс маблағлари, шунингдек, 45 тонна минерал ўғит етказиб бердик, — дейди "Авазмалик-консерва" масъулияти чекланган жамияти раиси Бахтиёр Жалилов. — 100 нафарга яқин мавсумий ишчилар қабул қилиниб, маҳсулотлар ўз вақтида йиғиштириб олинди. Ваколатхонамиз орқали ўтган йил ҳосили ҳисобидан 170 минг АҚШ доллари миқдорида экспорт қилиш мўлжалланмоқда.

Жамиятда Венгрияда ишлаб чиқарилган мева-сабзавотни қайта ишлаш ускуналаридан фойдаланилаяпти. Айни вақтда эса помидор қабул қилувчи иккинчи линияни ишга туширишда ҳамда мева шарбатлари ишлаб чиқариш ускуналарини ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда.

Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 0019 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Тахририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

www.mahalla.uz

Газета сайтида материаллар ўзбек (лотин графикасида) ва рус тилида берилмоқда.

E-mail: mahalla.gz@rambler.ru

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

«M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

— Яна нима дейсиз?
— Жамғарманинг йиллик сарҳисоби бугун экан...

Азиз муштарий! «Mahalla»га 2007 йилнинг қолган муддати учун обуна давом этмоқда. Шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайғурган афзал.

Қашқадарё вилояти

"ДУНЁ-М" ва "СЕМУРҒ" — ҒОЛИБ

Вилоятдаги "Дунё-М" акциядорлик жамияти ва "Семурғ" инвестиция фонди республика миқёсида ўтказилган нуфузли танловда Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозорининг 2006 йилдаги энг фаол иштирокчилари сифатида эътироф этилиб, ўз йўналишлари бўйича ғолибликни қўлга киритди.

Республика Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази ҳамда Инвестиция институтлари Миллий ассоциацияси эксспертлари мамлакатимиз фонд бозорининг ўтган йилги энг фаол иштирокчиларини аниқлаш учун 1000 дан ортиқ компания ва банкларнинг тегишли кўрсаткичларини ўрганиб чиқиб, турли йўналишлар бўйича энг яхши натижаларга эришган корхона ва ташкилотларни саралаб олди. Мазкур танловда 12 та номинациянинг иккитасида вилоят вакиллари ғолиб деб топилди.

Минглаб акциядорлар — юридик ва жисмоний шахсларнинг биргаликдаги бошқарувида самарали фаолият юритаётган, шунингдек, ҳар йили ўз акциялари эгаларига юқори миқдорда дивидендлар тўлаб келаётган "Дунё-М" акциядорлик жамияти "Корпоратив бошқарув тамойилларига риоя этиш бўйича энг яхши акциядорлик жамияти", "Семурғ" акциядорлик жамияти эса "Энг яхши инвестиция фонди" номинациялари бўйича ғолиб деб топилди. Уларга инвестиция фондининг махсус соврини ва сертификатлар топширилди.

Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Бугун "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви пленуми бўлиб ўтади

Сарҳисоб хулосаси: ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧ ЯНАДА ОШМОҚДА

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Қисқа қилиб айтганда, Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси республика бошқарувининг 2006 йилги иш режасига мувофиқ амалга оширилган ишларга сарфланган умумий харажатлар миқдори 25 млрд. 310 миллион 300 минг сўмни ташкил этиб, шундан 20 млрд. 427 миллион 500 минг сўми ҳомийлар ҳамда 4 млрд. 882,8 миллион сўми жамғарма ҳиссасига тўғри келди.

Жамғарма республика бошқарувининг 2006 йил давомида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботида шу ва бошқа масалалар юзасидан батафсил маълумотлар келтирилган. Жамғарманинг юртимиздаги бир қатор нодавлат ва нотижорат ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги, маҳаллаларда оммавий спорт турларини ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар, тизим ходимлари ташаббуси билан ўтказилган йигитларимизни ҳарбий хизматга жўнатиш, уларни тантанали равишда кутиб олиш маросимлари ҳамда собиқ аскарларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш масалалари, маҳаллаларда тегишли ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорликда вояга етмаганлар билан ишлаш, хавфсизликни таъминлаш ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида олиб борилган тарғибот-ташвиқот тадбирлари шулар жумласидан.

Пленум кун тартибидаги дастлабки — "Маҳалла" жамғармасининг Ҳомийлар ва шифокорлар йили давомидаги фаолияти якунлари тўғрисидаги маърузада ана шу масалалар хусусида сўз юритилади.

Маълумки, "Маҳалла" жамғармаси ва бошқа бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида мамлакатимизда ҳар йили анъанавий "Энг ибратли маҳалла оқсоқоли", "Энг тадбиркор маҳалла оқсоқоли", "Маҳалла жонкуяри", "Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси", "Энг ибратли маҳалла хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси" кўрик-танловлари ўтказилиб келинади. Республикамиз Мустақиллигининг 15 йиллиги арафасида ана шу кўрик-танловларнинг 2006 йилги республика босқичи ғолиблари аниқланган эди. Пленумда ушбу кўрик-танлов мукофотлари ғолибларга топширилади. Шу билан бирга, йиғилиш кун тартибидан Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, "Маҳалла" жамғармасининг молиявий-хўжалик фаолияти якунлари таҳлили, жамғарманинг 2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йилида амалга ошириладиган иш режаси ҳамда сарф-харажатлар сметасини тасдиқлаш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари (оқсоқоллари) малакасини ошириш юзасидан семинар-йиғилишларга тайёргарлик кўриш тўғрисидаги масалалар ҳам жой олган.

Пленум ишида Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармасининг нашри бўлган "Mahalla" газетаси фаолиятини таҳлил этиш ҳам режалаштирилган. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, газета жорий 2007 йил бошида қарийб 18 минг нусхада чоп этилаяпти. Бу кўрсаткич ўтган йил бошидаги кўрсаткичга қиёслаганда, 3000 донага, яъни 24 фоизга ошганлигидан далолат беради. Табиийки, бу жараён энг аввало "Mahalla" газетасининг мазмун-мундарижаси янгиланиб, бойиб бораётгани, унинг саҳифаларидан ибратли, таҳлилий, танқидий мақолалар кўпроқ жой олаётгани билан боғлиқ бўлса, ўз навбатида газетани тизим ходимлари ҳам жойларда кенг тарғибу ташвиқ қилдилар. Натижада "Mahalla" нафақат фуқаролар йиғинлари ходимлари, балки кенг омма орасидан ҳам янги муштарийлар орттирди. Пленум давомида "Mahalla" газетасига энг кўп обуна уюштирган жамғарма бўлимлари газета таҳририятининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланади. Жумладан, жамғарманинг Тошкент вилояти бўлимига компьютер, Тошкент шаҳри, Самарқанд ва Бухоро вилоятлари бўлимларига рангли телевизор ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси бўлимига радиомагнитафон аппарати топширилади.

Тадбир якунида "Ижтимоий ҳимоя йили" дастури асосида ишлаб чиқилган "Маҳалла" жамғармаси республика бошқарувининг 2007 йилги иш режаси лойиҳалари билан пленум иштирокчилари таништирилади.

"Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик компаниясининг "Саломатлик поезди" айни пайтда Жиззах вилоятига келиб тўхтади. Энг янги асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ҳаракатдаги кенг профилли поликлиника жамоаси вилоятнинг Дўстлик тумани ҳудудида аҳолига малакали медицина хизмати кўрсатишаётир. Жамоа таркибида ҳаммаси бўлиб 30 нафар тиббиёт ходими бўлиб, шундан 20 нафарини олий маълумотли врачлар ташкил этади.

"САЛОМАТЛИК ПОЕЗДИ" ЖИЗЗАХЛИКЛАР ХИЗМАТИДА

— Мақсадимиз, — дейди поезд раҳбари Қаҳрамон Соатович Ўролов суҳбат чоғида, — аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилинишини янада яхшилашга ўзимизнинг ҳиссамизни қўшишдан иборат. Чунки, аҳолини соғломлаштириш — жамиятни соғломлаштириш демакдир. Бунинг учун малакали медицина хизматини халққа яқинлаштиришимиз, аҳолининг барча қатламини қамраб олишимиз даркор.

Айни пайтда бригадамизда биохимик ва клиник лаборатория, кардиология, ультратовуш орқали текшириш, рентген каби воситалар ёрдамида врачларимиз кишиларни қабул қилишмоқда. Ҳар куни ходимларимиз 600-700 нафар мижозни қабул қилишяпти. Бугунгача жами хизмат кўрсатилган аҳоли сони 10 минг нафардан ошиб кетди. Айниқса, 105 беморда ҳаёт учун хавфли касаллик борлигини ўз вақтида аниқлаб, вилоят ва туман шифохонасига ётиб даволаниш учун йўлланма берилганлиги биз учун қувончлидир. Чунки, бу ташхислар вақтида аниқланмаганида ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин эди. Бундан ташқари, 56 нафар беморда мураккаб ташхисли касаллик борлиги аниқланиб, Тошкент шаҳрига боришлари зарурлиги хусусида маслаҳат берилди. Сабаби — мазкур касалликларга аниқ ташхисни қўйиш ва даволашни фақат Тошкент шаҳрида амалга ошириш мумкин. Маҳбуба Холмуҳаммедова, Малика Акрамова, Таисия Фёдоровна Якунина, Людмила Михайловна Кадишева каби шифокорларимиз хизматидан аҳоли мамнун.

Д.ЖЎРАЕВА,
"Mahalla" мухбири.

Ислоҳот самараси

ТАДБИРКОРГА ТАЯНЧ — МАБЛАҒ

Андижон вилояти

Бугунги кунга келиб халқ хўжалигининг барча соҳаларида тадбиркорлик равнақ топмоқда. Бу, албатта, мамлакатимиздаги хусусий секторни ривожлантиришга қаратилган ислоҳотлар самарасидир.

Айниқса, бу борада тижорат банклари томонидан ажратилаётган имтиёзли кредитлар тадбиркорларга қўл келмоқда. Улар мазкур кредитлардан самарали фойдаланган ҳолда ҳам мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига ҳисса қўшмоқда, ҳам ўз оилаларининг моддий фаровонлигини яхшилаяпти. "Микрокредитбанк"нинг Хўжаобод туманидаги Охунбобоев филиали фаолияти мисолида бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

— 2006 йил апрель ойида собиқ "Тадбиркорбанк" негизида "Микрокредитбанк" ташкил этилди, — дейди филиал бошқаруви раиси ўринбосари Ҳасанбой Ҳайдаров. — Ўтган йилда филиалимиз томонидан жами 142 миллион сўм кредит маблағи ажратилди. Шунингдек, 5 фоизли имтиёзли кредитдан тадбиркорлар учун 50 миллион сўм ажратилган бўлса, айланма маблағларни кўпайтириш учун 92 миллион сўм микрокредитлар берилди. Бунинг самараси ўлароқ, ўтган йили туманимизда 215 та янги иш ўринлари яратди.

Филиалда тадбиркор ва фермерларга ажратилган микрокредитлардан самарали фойдаланиш бўйича семинарлар ўтказиб турилади. Бундан ташқари, ҳафтанинг ҳар жума ва сешанба кунлари филиалда мижозлар учун алоҳида семинарлар ташкил қилинган. Мазкур семинарларни уюштиришда "Маҳалла" жамғармасининг туман бўлинмаси, туман Ҳунармандлар уюшмаси ҳам яқиндан ёрдам бермоқда.

Узоқбой САКСОНБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Бугуннинг гапи

МИССИОНЕРЛАРГА МУРОСАМИЗ ЙЎҚ!

Ўтган йилнинг декабрида ойнаижаҳонда "Ўзбекистон" телерадиоканали орқали намойиш этилган бир кўрсатувни кўргач, қалбимиз жунбушга келди. Кўрсатувда чет эллик миссионерларнинг юртимиздаги ноқонуний хатти-ҳаракатлари, уларнинг қутқусига учиб, аниқроғи, улар кўрсатаётган арзимаган моддий манфаатлар эвазига ўз эътиқоди, муқаддас дини-иймонидан воз кечиб, бошқа динларга "эътиқод" қўяётганлар ҳақида сўз борганди.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари Бош Қомусимизда ҳам яққол акс этган. Мамлакатимиз Конституциясининг 31-моддасида "Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиши ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбурий сингдиришга йўл қўйилмайди" дея қайд этилган. Мазкур модда нафақат диний конфессияларнинг, балки ҳеч бир динга эътиқод қилмайдиган шахсларнинг ҳам ҳуқуқини кафолатлайди, инсонларнинг ўзаро тенглиги ва тотувлигини таъминлашга хизмат қилади.

Асрлар давомида шаклланиб, ўз алломалари билан жаҳонга танилган, муқаддас динимизнинг маънавиятимиз асоси эканлигини эътироф этиб, Президентимиз жумладан шундай таъкидлайди: "Биз ўз миллатимизни мана шу муқаддас диндан айри ҳолда тасаввур қила олмаймиз. Диний қадриятлар, исломий тушунчалар ҳаётимизга шу қадар сингиб кетганки, уларсиз биз ўзлигимизни йўқотамиз...

...Ўзбекистон раҳбари сифатида қандайдир ёвуз кучлар муқаддас Ислом динимизни, ота-боболаримиз эътиқодини, мусулмон фарзандларимизни таҳқирлашига, жамиятимиз ҳаётига хавф туғдиришига ҳеч қачон йўл қўймайман."

Ислом дини таълимоти бошқа дин ва эътиқодларга нисбатан бағрикенг таълимот экани ҳам тан олинган ҳақиқат.

Лекин айрим хорижлик кимсалар юртдошларимизга хос бўлган соддалик, ишонувчанлик каби хислатлардан ўзининг нохолис мақсади йўлида фойдаланишга уринмоқдалар, яъни миссионерлик ҳаракатини амалга оширмоқда. Улар ўзларининг чет эллик миссионер эканликларини ниқобламоқчи бўладилар. Улар тил ўргатиш, чет элга ўқишга йўллаш ёхуд унга тайёрлаш баҳонасида турли ўқув марказлари, маслаҳатхоналар очиб, соддадил ёшларнинг онгини заҳарлаб, тўғри йўлдан оздиришга, яъни, бошқа динга юз буришга даъват қилмоқдалар. Лекин улар ўзлари даъват қилаётган дин ривожи учун эмас, балки хорижлик айрим бузғунчи ниятдаги сиёсатдонларнинг "орзулари" рўёби учун жон койитаётганини фош қилувчи бир ҳолат борки, у ҳам бўлса ана шу дин даъваткорларининг диний билимга мутлақо эга эмаслиги ёки дин ҳақида жуда юзаки тасаввурга эга эканилигидир. Дунё тажрибасидан маълумки, бир неча ўн йилликлар давомида миссионерлар ҳаракат юритган мамлакатларда фуқаролараро низолар чиқиб, юртнинг ҳудудий яхлитлигига дарз кетган ҳолатлар ҳам мавжуд.

Биз мусулмонлар, қалбимизга Аллоҳ солган эътиқод нурларини сўндирмасликка, фарзандларимизнинг пок қалбини турли жирканч қора кучлар таъсиридан бедахл сақлашга бурчлимиз. Бу бизнинг Аллоҳ ва жамият олдидаги бурчимиздир.

Мурод ТУРСУНХЎЖАЕВ,
Сирожиддин ЭШОНХЎЖАЕВ.
Тошкент шаҳри

Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллиги олдидан

АДИБ ЮБИЛЕЙИГА АТАБ...



Жорий йилда ўзбек адабиёти ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган атоқли адиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллиги мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланади.

Яқинда бу тўғрида Президентимизнинг махсус қарори ҳам қабул қилинди. Айни пайтда шу муносабат билан юбилей тадбирларини ўтказиш юзасидан тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган. Хусусан, А.Қаҳҳор уй-музейининг экспозициясини бойитиш, музейдаги мебеллар ва санъат асарларини реставрация қилиш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда.

СУРАТДА: *А.Қаҳҳор уй-музейида.*

ЎзА олган сурат.

УМИДА НИЁЗОВА БИЛАН АСЛИДА ҚАНДАЙ ВОҚЕА СОДИР БЎЛГАНДИ?

Воқелик тафсилоти

2006 йилнинг декабрь ойи охирида бир қатор интернет сайтларидан ҳуқуқ ҳимоячиси Умида Ниёзова 21 декабрь куни Бишкекдан учиб келгач, Тошкент аэропортида божхона кўригидан ўтаётганда ушланганлиги ҳақидаги хабар ўрин олганди. "Унинг компьютери божхона хизмати ходимларида шубҳа уйғотди, — дея хабар беради ўша сайтлар, — экспертлар шу жойнинг ўзидаёқ текшириш жараёнида компьютердан Конституцияга қарши рухдаги материаллар топилганлигини эътироф этишди."

Яна хабар қилинишича, Умида Ниёзова тўққиз соат ушлаб турилгач, қўйиб юборилган, лекин унга тегишли компьютер, флэш-диск ва паспорти олиб қўйилган. У.Ниёзовадан суриштирув ишлари тугамагунча Тошкент шаҳридан чиқмаслиги ва тергов жараёнида қатнашиши тўғрисида тилхат олинган. Шу ўринда айрим ҳолатларга ўқувчиларнинг алоҳида эътиборини қаратишни хоҳлардим.

Ўтган ҳафтанинг бошида яна ўша сайтлар Умида Ниёзованинг қамоққа олинганлиги тўғрисида хабар бериб, бу воқеа асосида аюҳаннос сола бошлашди. Бунда асосан У.Ниёзованинг бир қатор хорижий жамоат ташкилотларидаги фаолиятига урғу берилди. Бу чиқишлардан айнан ўша ташкилотлар У.Ниёзовани "қутқариш" учун жон қўйдираётганини англаш қийин эмас.

Келинг, аввало сўнгги пайтларда ўзини ҳуқуқ ҳимоячиси, Американинг инсон ҳуқуқлари ҳимояси билан шуғулланувчи "Human Rights Watch" (Хьюман Райтс Вотч) жамоат ташкилоти вакили, дея тақдимот қила бошлаган ўша Умида Ниёзованинг шахси ҳақида хулосаларга эга бўлайлик. Мен у ҳақда унда-мунда қулоғимга чалинган гапларни гапираётганим йўқ, менинг бу сўзларим айнан ҳақиқатга тўғри келадиган гаплардир.

Умида Ниёзова ўз фаолиятини "Internews" («Интерньюс») — Америка журналистлар жамоат ташкилотининг Тошкентдаги ваколатхонасида бошлаганди. Бу нодавлат ташкилотнинг фаолияти аслида мустақил электрон оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлашдан иборат бўлиши керак. У.Ниёзова унда оддийгина референт-котиба вазифасини бажарган. Шунга қарамай, у тез орада бошқаларга, айниқса, "Internews-Uzbekistan" («Интерньюс-Узбекистан»)га Ўзбекистоннинг турли вилоятларидан келувчи журналистларга ўзини журналист, дея таништира бошлади. Балки, "Internews" томонидан ташкил этилган ўқув-амалий семинарлардаги кўп марталик иштироки учун ўзини шундай аташга жазм қилгандир. Аммо бунинг ўзи журналистик фаолият соҳиблигига даъвогарлик учун етарли эмас. Ҳарқалай, журналист бўлиш учун камида 10-15 мақола ёзиш ёки радио, телевидение, газета ва журналларда, ҳеч бўлмаса Интернет сайтлари орқали хабарлар билан иштирок этиши зарур бўлади. У.Ниёзованинг кейинги икки-уч йил мобайнида бирон нашрда мақоласи чоп этилганини тасдиқлайдиган киши топилмаса керак.

Масалан, ўша "Internews" масъуллари ҳам унинг бирон бир мавзудаги мақоласи чоп этилганини кўришмаган. Ушбу ташкилотнинг собиқ ходимлари Умида Ниёзованинг "Internews"да хоразмлик журналист, собиқ ALC телекомпанияси раҳбари Шухрат Бобожонов билан ишқий саргузаштлари билангина "довруғ" солганини эслашади, холос. Бу иккисининг ишқий муносабатлари Ш.Бобожонов Германияга кетиб қолгач ҳам барҳам топмади. У.Ниёзованинг Американинг яна бир "ҳуқуқшунос" ташкилоти —"Freedom House" («Фридом Хаус»)га ишга ўтиши ҳам бу муносабатларга раҳна солмади.

Иш жойи ўзгаргач, Умида Ниёзова ўзини журналист, деб таништиришни бас қилди, энди у ўзини ҳуқуқ ҳимоячиси, инсон ҳуқуқлари бўйича эксперт, дея аташга ўтди. Чамаси, У.Ниёзова учун у ёки бу соҳадаги маълумот ва шу маълумот асосидаги ҳақиқий фаолият тури аҳамиятли эмас — иш жойининг номи жарангдор эшитилса, бас. Акс ҳолда, у бир "юмалаб" журналистдан ҳуқуқ ҳимоячисига айланиб қолармиди?

"Freedom House"нинг собиқ ходимлари "ҳуқуқ ҳимоячиси" ва "инсон ҳуқуқлари бўйича эксперт" Умида Ниёзованинг амалда суд, тергов жараёнларида бирон кимсанинг ҳуқуқини ҳимоя қилганини ҳеч эслолмайдилар. Устига-устак, бу одамлар У.Ниёзова Шухрат билан ишқий муносабатларида ўзини очиқчасига намойишкорона тутгани, унинг бу қилмиши Шухратнинг қонуний хотини ва фарзандини изтиробга солаётганидан ҳеч уялмаганига ҳамон ажабланишади. Аслида, бу У.Ниёзованинг шахсий иши, дея хулоса чиқарса бўларди, агар унинг бутун Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари бўйича "энг биринчи ҳимоячиси" аталишга даъвогарлиги бўлмаганда, албатта. Шундан келиб чиқадиган ўринли бир савол — Ш.Бобожоновнинг қонуний хотини бўлган аёлнинг ҳуқуқлари йўқмиди? Мен ҳам бир аёл сифатида бу ҳақда жим туролмайман. Бу борада Ш.Бобожоновнинг хотини қандай ўйлаётганлигини жуда билгим келади.

Айтишларича, кунлардан бир куни — У.Ниёзова "Internews-Uzbekistan"да референт-котиба бўлиб ишлаётган кезлари — Ш.Бобожоновнинг хотини билан бўлган можарода унинг юзига сигарета тутунини пуркаганча шундай деган экан: "Ўласанми, қоласанми — Шухрат барибир меники! Сен бу ерда кўз ёш тўкиб ўтиргунча яхшиси, эринг билан ажралишга тайёргарлик кўрсанг бўларди..."

Энг даҳшатлиси шундаки, унинг бу ишлари чуқур ва самимий муҳаббат туйғуси йўлида қураш эмасди. Агар шундай бўлганда, унинг баъзи қилмишларини кечириш ҳам мумкин эди. Умидани шахсан билганим учун комил ишонч билан шуни айта оламанки, Ш.Бобожонов унга хорижий ташкилотларда мустаҳкам ўрнашиб олиш воситаси сифатида керак эди, холос. Умида ўз мақсадига етиш учун арабча рақс тушишни ўрганди, Шухратдан фарзанд кўрди ва бу йўлда яна кўп нарсаларга шай эди.

Яна такрор сўрайман — ўзгалар ҳуқуқига тупурган одам қандай қилиб, ҳуқуқ ҳимоячиси бўла олади? Бировнинг оиласини бузиб, гўдакларини йиғлатиб туриб, яна инсон ҳуқуқлари ҳақида қайси юз билан айюҳаннос солиш мумкин?

"Интерньюс"чиларнинг сўзларига кўра, Умиданинг Шухрат билан ишқий саргузашти айни кунда ҳам, яъни Шухрат Прага шаҳрида "Озодлик" радиоси хизматида ишлаётган дамларда ҳам давом этмоқда. Айтишларича, Умида фарзанд кўрган бўлса-да, ҳамон турмушга чиққани йўқ.

Таажжубланарли ҳолат, аммо ҳақиқат — америкалик "ҳуқуқшунос" ташкилотларга айнан Умида Ниёзовага ўхшаганлар ишга қабул қилинади. Бу ташкилотларда бундай шахснинг таржимаи ҳолидаги салбий ҳолатларга эътибор қилишмайди ҳам. Чамаси, америкаликлар учун айнан шундай нусхалар керакка ўхшайди, ахир бундай одамларни йўлга бошлаш жуда осон-да.

Шундай қилиб, эндиликда "Freedom House"нинг Тошкентдаги ваколатхонаси ёпилгач, Умида Ниёзованинг хизматларидан яна бир машҳур "ҳуқуқшунос" ташкилот — "Human Rights Watch" фойдаланмоқда.

Интернет саҳифаларидаги У.Ниёзованинг ҳибсга олиниши билан боғлиқ шов-шувлардан кейин мен баъзи саволларга жавоб топишга уриниб кўрдим. Хўш, ўтган йилнинг 21 декабрида Тошкент аэропортида ушланган ва ўша куниёқ шаҳардан чиқмаслик ҳақида тилхати олиниб, қўйиб юборилган Умида яна қандай қилиб жорий йилнинг 22 январида Андижон вилоятида ҳибсга олинди? Демак, биринчи чақирув биланоқ ҳозир бўлишга ваъда берган У.Ниёзова орадан бир неча кун ўтиши биланоқ, шахсини тасдиқловчи ҳужжатсиз (унинг паспортини божхона хизмати ходимлари олиб қўйишганди) қўшни Қирғизистонга хуфёна йўл билан жўнаб кетади. Божхона хизмати ходимлари бу ҳақда унинг ҳимоячиси Аброр Юсуповдан хабар топишади. Шу ўринда Умида Ниёзовани зўр бериб ҳимоя қилаётган "ҳуқуқшунос"лар жавоб бериши керак бўлган иккита савол туғилади.

Биринчиси: У.Ниёзова шундай тажрибали ва ашаддий ҳуқуқ ҳимоячиси экан, унда у қандай қилиб қонунни очиқдан-очиқ бузди? Ахир давлат чегарасидан ноқонуний ўтиш — бу оддийгина тартиббузарлик эмас. Мексика—Америка чегараларидан ноқонуний тарзда ўтаётган лотинамерика ёлланма ишчиларини нима қилишларини тасаввур қилиб кўринг-а?! Лекин бу ҳолатга европалик ҳуқуқшунослар нафақат кўз юмишади, ҳатто бу жазо чорасига хайрихоҳлик билдиришади. Ўзбекистонда эса бу мумкин эмас...

Иккинчиси: Нега энди Умида ҳали унга ҳеч бир айблов эълон қилинмай турибоқ, яна бир бор қонунни бузиб бўлсада қочишга уринмоқда? Ҳа, мушук кимнинг гўштини еб қўйганини яхши билади!

Шу ўринда вазиятга яна бир аниқлик киритсак: У.Ниёзова қирғиз-ўзбек чегарасидан ўтаётган вақтда ҳибсга олинди. У барча тартиб-қоидаларни бузган ҳолда, пана-пасқам жойлардан ва яна бир бор таъкидлайман — ҳеч қандай ҳужжатсиз чегарани бузиб ўтаётган бўлган. Хўш, бу вазиятда чегарачилар нима қилишсин? Унинг бу тартиббузарлиги биринчи маротаба эмаслиги маълум бўлгач эса, албатта, у ҳибсга олинди.

Қизиғи шундаки, унинг адвокати сўзларига кўра, У.Ниёзова биринчи сўроқдаёқ ҳар икки айблов, чегарадан ноқонуний ўтиш ва контрабанда бўйича ҳам ўз айбига иқрор бўлган.

Ҳа, майли. Буларнинг ҳаммаси ҳуқуқ-тартибот хизматлари ходимларининг масъулиятидаги ишлар. Мен хотима ўрнида бир фикрни билдирмоқчиман холос: нима учун Лондонда, Прагада ва бошқа ғарбий пойтахтларда У.Ниёзованинг тақдиридан бунчалик қайғуришмоқда? Одамнинг хаёлига дарҳол бир ўй келади: ўтган йили Ўзбекистонда фаолият юритаётган бир қатор хорижий нодавлат ташкилотлар ваколатхоналари молиявий қонунбузилишларга йўл қўйгани ва ўз низомий вазифаларидан четга чиққани учун суд қарорларига асосан ёпилганди. Балки, бу "ҳуқуқ ҳимоячиси"ни, аслида эса ҳуқуқбузарни ҳимоя қилиш ҳақида ҳаммадан кўп бонг ураётганлар терговлар давомида ўзлари яшириши истаган баъзи нарсалар сув юзига қалқиб чиқиб қолишидан чўчишаётгандир?

Ирина СЕРГЕЕВА.

Манба: "gorizont.uz"

Бухоро вилояти

Сарҳисоб

ЭЗГУЛИК ПОЁН БИЛМАЙДИ

Бугун мамлакатимизда фуқароларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлашга қаратилган самарали механизм ишлаб турибди. Хусусан, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларининг бу жараёндаги фаол иштироки давлатнинг ҳам, халқнинг ҳам муштарак мақсадлари рўёбига беқиёс даражада ҳисса қўшмоқда.

Ўтган 2006 йил юртимизда Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб номланган эди. Хўш, бундан энг аввало қандай самара кўзда тутилди? Табиийки, инсон манфаатларини улуғлаш, аҳолини ижтимоий муҳофаза этиш, жамиятни эзгу ишларга кенг жалб этиш...

Йил номига мувофиқ ишлаб чиқилган давлат дастурида ҳам айнан шу борадаги вазифалар ўз аксини топган эди.

Таъкидлаш жоизки, туманимизда мазкур дастурда белгиланган вазифалар ижроси юзасидан кўплаб хайрли ишлар бажарилди. Жумладан, аҳолининг кам таъминланган қатламини ижтимоий ҳимоя қилиш, жойларда ҳомийлик ҳаракатини жонлантириш масаласи маҳалла тизими ходимлари, фаолларининг доимий эътиборида бўлди. Турли байрамлар муносабати билан эҳтиёжманд фуқароларимизга моддий-маънавий ёрдам кўрсатилди. Хусусан, шундай саналарда "Маҳалла" жамғармасининг Олот тумани бўлинмаси томонидан 68 та ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар 3 миллион 761,5 минг сўмлик моддий ёрдам билан таъминлангани фикримиз тасдиғи. Шунингдек, Наврўз ва Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги байрамлари муносабати билан 76 та кам таъминланган оилаларга 751,6 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ва кийим-кечаклар, Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан 22 нафар уруш қатнашчиларига 165 минг сўмлик, ҳарбий хизматга чақирилувчи 200 нафар ўғлонларга 460 минг сўмлик эсдалик совғалари, умуман йил давомида жами 372 нафар фуқаро ва оилаларга 5 миллион 247,6 минг сўмлик моддий ёрдам, кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари ва совғалар етказиб берилди.

Туманимизда ўтган йили 20 минг 921 та оила рўйхатга олинган бўлиб, улардан 4044 таси кам таъминланганлар сифатида қайд этилган. Йил давомида ушбу оилаларни ижтимоий муҳофаза қилишга нафақат бўлинмамиз, балки қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамда ҳомийлар ҳисобидан ҳам маблағ ажратилди.

Хусусан, фуқаролар йиғинлари томонидан 836829,4 минг сўмлик бюджет, ҳомийлар ҳисобидан ажратилган 4669,3 минг сўмлик хайрия маблағлари ушбу мақсад йўлида сарфланди.

Юртбошимиз Фармони асосида кўп болали, муҳтож оилалардан 190 тасига ҳомийлар кўмаги билан бир бошдан қорамол олиб берилгани ҳам аҳолининг миннатдорчилигига сабаб бўлди. Бундан ташқари 213 нафар фуқарога жами 170 миллион 668 минг сўмлик имтиёзли микрокредитлар берилди.

Ўзининг фидокорона меҳнатлари билан юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшиб келаётган 100 нафардан зиёд туман фахрийлари, маҳалла фаоллари Қашқадарё ва Хоразм вилоятларидаги тарихий обидаларга зиёратга олиб борилди.

Айни пайтда Олотда 10 та қишлоқ ва 28 та маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолият юритиб келаяпти. Уларга бошчилик қилиб келаётган оқсоқоллар Президентимиз ташаббуси билан "Ижтимоий ҳимоя йили" деб номланган янги йилда бу соҳадаги хайрли ишларни янада самаралироқ тарзда давом эттириш ҳаракатида.

Б.ВОҲИДОВ,
"Маҳалла" жамғармаси Олот тумани бўлинмаси раиси.

Самарқанд вилояти

Бор бўлсин ҳомийлар!

ЯНГИАРИҚлик ЯНГИ ЕР ЭГАЛАРИ

улар ерга ҳам, элга ҳам ғамхўрлик кўрсатишаяпти

Нарпай туманидаги Янгиариқ маҳалласида ҳукуматимизнинг истиқболсиз хўжаликларни тугатиб ҳамда улар негизида фермерлик фаолиятини кучайтиришга қаратилган қарорлари ижроси тўлақонли адо этилди. Натижада ушбу маҳалла ҳудудига чегарадош учта — "Бўстон", Алишер Навоий ва Ойбек номли ширкат хўжаликлари ўрнида етмишдан ортиқ фермер хўжаликлари ташкил этилди.

— Маҳалламизда бунёдкорлик, ободончилик, саришталик ишлари, кам таъминланган оилалар ва эҳтиёжманд инсонларни моддий қўллаб-қувватлаш борасидаги масалалар тез ва осон ечим топаяпти, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Сафар Бобоқулов. — Негаки, савобталаб, саховатли фермерларимиз ҳар ишда бизга кўмакдош. Айниқса, Президентимиз томонидан 2007 йилнинг "Ижтимоий ҳимоя йили" деб эълон қилиниши барча маҳалладошларимиз қаторида фермерларни ҳам руҳлантириб юборди. Улар жорий йилда ўзлари томонидан адо этилаётган эзгу ишлар кўламини янада ошириш ниятида. Айни пайтга келиб маҳаллада ҳар ойда бир марта фермерлар иштирокида йиғилиш ўтказилишини йўлга қўйдик. Бу эса йиғиндаги мавжуд муаммоларни биргаликда ҳал қилишимизда қўл келмоқда.

Ҳа, Янгиарикда хайрли ишларни бажаришга иштиёқманд фермерлар кўп. Маҳалла ҳудудида ташкил этилган Шухрат Қиличев номли фермер хўжалиги мутасаддилари ҳам шундайлар сирасидан. Хўжалик аъзолари ўтган йили давлатга пахта ва ғалла сотиш бўйича шартнома мажбуриятларини ошиғи билан бажариб, анчагина даромад қилишди. Ана шу даромад ҳисобидан бир нечта кам таъминланган хонадонга 14 тонна ғалла тарқатишди. Тўрт фарзанди бор Роҳила Амирова оиласига эса 2 тонна ғалла ҳамда бир бош қорамол ҳадя қилишди. Маҳалладаги 2 та мактабни таъмирлашга ҳисса қўшиб, 48-сонли болалар боғчаси томини шифер қилиб беришди.

Албатта, бундай хайрли ишларга маҳалладаги бошқа фермерлар ҳам бош қўшишаяпти. Энг асосийси, эртанги кунга умид, келажакка ишонч билан яшаётган ва меҳнат қилаётган янгиариқлик ер эгалари эл-юрт ташвиши йўлида доимо ташаббускор ва ташкилотчи бўлишдан толмайдилар.

Рустам ҲАЙИТОВ,
"Mahalla" мухбири.

Эзгулик Ёди

МУҲТОЖЛАРГА НАЖОТКОР ЭДИ...

Деновлик саховатпеша инсон Пўлат Алимовни тумандошлари шундай хотирлашади

Аслида, Пўлат ака учун бундай ҳолат янгилик эмасди. Деярли ҳар куни кимдир нажот истаб унинг ҳузурига кирар, у эса баҳоликудрат ҳиммат қўлини чўзарди.

Пештоқида "Мудир" деб ёзилган хона эшигидан ночор қиёфадаги аёл мўралади.

— Келинг, синглим, хўш хизмат, — деди Пўлат Алимов унга бошданоёқ разм солиб ва яна сўради, — паришонроқ кўринасиз, тинчликми?

Шу чоқ опанинг нажоткор кўзларидан жавдираб тўкилган ёш ҳорғин юзларини сизиб ўтди.

— Нега йиғлайсиз, қизим, — деди Пўлат ака, — Қандай юмушингиз бор?

— Тоғликман, оғажон, Ўшордан келдим. Исмим Зиёда, — деди опа оғир хўрсиниб, — Яккаю ёлғиз ўғлим бор. Отаси бундан беш йил бурун оламдан ўтган. Ана шу фарзандим бехосдан бетоб бўлиб, касалхонага тушди. Аҳволи оғир. Дўхтирлар кўриб даволаш учун дори олиб келинг, дейишди. Мана, қоғози. Дориларни олишга эса пулим йўқ. Қўлим калталик қиляпти...

— Э, шундай демайсизми, синглим, — деди Пўлат ака жиддий оҳангда, — қани, қоғозни менга беринг.

Орадан кўп ўтмай, мудир бир елимхалта кўтариб хонага кирди.

— Мана, синглим, керакли дориларнинг ҳаммасини шу елимхалтага жойладик. Бу конверт ҳам сизга. Ичида пули бор. Кам-кўстингизга ишлатиб турасиз. Мабодо, яна дори керак бўлиб қолса, тортинмай келаверинг.

Зиёда опа ўзида йўқ хурсанд эди. У Пўлат Алимовга миннатдорчилик билдириб, касалхонага йўл олди.

Шаҳардаги тўртта кам таъминланган оила ҳам кўп йиллар давомида Пўлат ҳожи Алимов мурувватидан баҳраманд бўлди. Шу боисдан ҳам бугун деновликлар Пўлат Алимовни хайрли сўзлар билан хотирлашади ва унинг оила аъзоларига алоҳида ихлос билан қарашади.

Пўлат ака асли Хўжадиякнинг Дарёи ширик қишлоғида косиб оиласида оламга келган. Падари бузруквори пойафзал тикишда ном чиқарган, қўли гул, диди баланд уста бўлган. Фарзандлари орасида Пўлат Алимов ёшлигидан ҳакимликка қизиқарди. Улғайиб, шу касб этагидан тутди. Дастлаб, тиббиёт билим юртини битирди. Ўрта махсус маълумотли доришунос бўлди. Меҳнат фаолиятини тумандаги марказий дорихонадан бошлади. Бир вақтнинг ўзида Тошкентдаги Доришунослик институтида ўқишни давом эттирди. Дорихона мудири бўлди. Ўшандан бери орадан кам эмас, 40 йил ўтди. Бу йиллар Пўлат Алимов ҳаётида катта из қолдирди. Деновда икки қаватли дорихона қурдирди. Меҳнат жамоаси сони 22 кишига кўпайди.

Таъкидлаш жоизки, П.Алимов ўтган бутун умрини эзгу ишларга сарфлади. Энг асосийси, имкон топиб одамларга яхшилик қилди. Ўз навбатида фарзандларини ҳам ана шундай хайрли ишлар қилишга даъват этиб, комил инсонлар қилиб тарбиялади. У киши ҳозир орамизда бўлмаса ҳам, у ёққан шамчироқ ҳамон атрофга мунаввар ёғду таратмоқда. Пўлат ака бошлаган хайрли ишларни бугун фарзандлари, яқинлари ва садоқатли шогирдлари давом эттирмоқда.

Омон ШУКУРОВ,
"Mahalla" мухбири.

Сурхондарё вилояти

2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

Янги йил байрами муносабати билан Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон халқига йўллаган байрам табригида жорий Ижтимоий ҳимоя йилида иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдори янада оширилиши, ижтимоий ҳимояни яна ҳам кучайтириш чора-тадбирлари кўрилиши алоҳида таъкидлаб ўтилди.

ЭҲТИЁЖМАНД МАНФААТ КЎРСИН!

Бу ижтимоий муҳофаза тизимида самарадорликни оширувчи муҳим шарт

Айтиш жоизки, бу борада бизнинг тармоқ жамоалари зиммасида ғоят шарафли ва масъулиятли вазифалар турганини тушунамиз. Зеро, бозор муносабатларига ўтиш, ислоҳотларни чуқурлаштириб бориш шароитида аҳоли манфаатларини кучли ижтимоий ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устивор йўналишларидан биридир. Бу одилона йўналиш кўлами қанчалик кенгайиб борса, бизнинг тармоқдаги юмушлар салмоғи ҳам шунчалик ортиб боради. Масалан, 2007 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, вилоятимиз бўйича пенсия ва ижтимоий нафақа олувчиларнинг умумий сони 347 минг 96 нафарга етди. Бу кўрсаткич вилоятдаги пенсионер ва нафақахўрлар сони ўтган йилга нисбатан 5523 нафарга кўпайганидан далолат беради. Улар учун ажратиладиган бир ойлик сарф-харажатлар миқдори қарийб 13,2 миллиард сўмни ташкил этмоқда.

Бундан ташқари, ёлғиз кексалар, ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийлари, эҳтиёжманд оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, протез-ортопедик маҳсулотлар, реабилитация техник воситалари билан таъминлаш бўйича сарфланган маблағлар ҳам оз эмас. Хусусан, ёрдам сўраб мурожаат қилган ногиронларга 372 та ногиронлик аравачалари, 105 та эшитиш мосламаси ва бошқа протез-ортопедик буюмлари бепул етказиб берилиб, бу борадаги эҳтиёж тўла қондирилди. Бундай хайрли ишларнинг асосий қисми ҳомий ташкилотлар, мурувватли тадбиркорлар маблағлари ҳисобидан амалга оширилди.

Аҳолининг меҳнатга лаёқатли, ҳозирги кунда ишламаётган қисмини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш энг долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Ўтган йили вилоятимизда қарийб 53 мингта янги иш ўринлари яратилди.

Аҳолининг меҳнатга лаёқатли, ҳозирги кунда ишламаётган қисмини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш энг долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Ўтган йили вилоятимизда қарийб 53 мингта янги иш ўринлари яратилди. Меҳнат бўлимларига иш сўраб 55 минг 252 та ариза тушган бўлса, уларнинг 47 минг 325 таси ёки рўйхатга олинганларнинг 85,7 фоизи йўлланма билан ишга жойлаштирилди. Қолганлари эса касб ўрганишга, жамоат ишларига жалб қилинди, муддатидан олдин пенсияга чиқарилди, ижтимоий нафақа берилиб, муҳофазага олинди. Ўн мингга яқин фуқаро касаначилик меҳнатига жалб қилинди. Уларнинг 60 фоизидан кўпроғини аёллар ташкил этади. Оилавий тадбиркорликни, шахсий ёрдамчи хўжалик юритишни қўллаб-қувватлаш натижасида бандлик даражаси анча ўсди.

Айтиш жоизки, "Ижтимоий ҳимоя йили" дастурини тайёрлашда аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари манфаатдорлигини кескин оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ҳам бу дастурга ўзининг аниқ ва истиқболли таклифларини киритди. Унда, жумладан, ижтимоий муҳофаза тизимида самарадорликни ошириш, бу масалада табақалашган ёндошувни таъминлайдиган янги қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш назарда тутилган.

Пенсия тайинлашда иш ҳақи ва стаж бўйича баъзи чеклашларни бекор қилиш, 3-гуруҳ болаликдан ногиронларга энг кам иш ҳақи миқдорида ижтимоий нафақа тайинлашни жорий этиш, "Саховат", "Мурувват" уйлари ишчилари иш ҳақини ошириш, ижтимоий ёрдам харажатлари миқдорини муқобиллаштириш, маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан берилаётган моддий ёрдам ва ижтимоий нафақалар миқдорини қайта кўриб чиқиш каби ҳаётий масалалар шулар жумласидан.

Шунингдек, тизимнинг вилоятдаги муассасалари фаолиятини кучайтириш, эҳтиёжманд оилаларнинг турмуш шароитини яхшилашга қаратилган қатор амалий тадбирлар ҳам дастурда ўз аксини топган. Дастурда уруш ва меҳнат фахрийлари, пенсионер ва ногиронлар саломатлигини мустаҳкамлашга, уларни дори-дармонлар, сиҳатгоҳларга йўлланмалар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Ҳозирги кунда бошқармамиз раҳбарияти, мутахассислари, туман, шаҳар тармоқлари жамоалари 2007 йилги режалаштирилган қатор тадбирлар ижросига астойдил киришган.

Нодиржон САДРИДДИНОВ,
вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси бошлиғи.

Андижон вилояти

Эътибор ва эътироф

ТАЛАБАЛАР ШИНАМ УЙДА ЯШАЙДИ

Демак ёш авлодни эртанги кунга ишонч руҳида камол топтиришнинг кафолати бор

Андижон Давлат тиббиёт институтини тамомлаган минглаб шифокорлар бугунги кунда халқ саломатлигини муҳофаза қилиш йўлида самарали меҳнат қилмоқда. Президентимиз ва республика ҳукумати томонидан талаба-ёшларга кўрсатилаётган оталарча ғамхўрлик самарасини ана шу олийгоҳда ҳам кўришимиз мумкин.

Институтнинг Талабалар шаҳарчаси қиёфаси кейинги йилларда таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Талабаларнинг турар-жойлари замонавий асосда қайта таъмирланди, яшаш шароитлари яхшиланди.

— Шаҳарчамизда ўтган йили катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди, — дейди Талабалар шаҳарчаси директори Ҳабибулло Ғуломов. — Жумладан, янги типдаги овқат тайёрлаш, кир ювиш ва қуритиш ҳамда ювиниш хоналари, ёзги шийпон қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, талабалар уйларининг кириш қисми қайтадан реконструкция қилиниб, замон андозалари асосида жиҳозланди. Талабалар турар-жойларидаги интернет хонаси ва ўқув заллари қайтадан таъмирланди ва кенгайтирилди.

Ҳа, олийгоҳда талабаларнинг замон талаблари даражасида таълим олиши, яшаши, мароқли дам олиши учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Уларнинг ҳар жиҳатдан ижтимоий ҳимоя қилинишига институт маъмурияти, талабалар касаба уюшмаси қўмитаси алоҳида ғамхўрлик қилмоқда. Бинобарин, шаҳарчада "Кафедра кунлари" тадбирлари ташкил этилмоқда. Бунда кафедраларнинг профессор-ўқитувчилари белгиланган мавзулар юзасидан талабалар билан давра суҳбатлари ўтказадилар. Бундан ташқари, шаҳарчада спорт, қизларни турмушга тайёрлаш, сартарошлик, этикдўзлик каби тўгараклар ташкил этилган.

Талабаларга ўқув зали, интернет клуби, маънавият ва маърифат ҳамда дам олиш хоналари фойдаланиш учун топшириб қўйилган. Марказлаштирилган радиоузел тармоғи ишлаб турибди. Талабаларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳимоялаш мақсадида шаҳарча ҳудудидаги новвойхона томонидан ҳар бир талабага кунига икки донадан оби нон ёпилиб, бепул тарқатилмоқда.

Узоқбой САКСОНБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

СУРАТЛАРДА: *(юқорида) Андижон Давлат тиббиёт институти Талабалар шаҳарчаси директори Ҳ.Ғуломов (чапдан биринчи) институт мутасадди ходимлари билан шаҳарчадаги қурилиш-лойиҳалаш ишлари хусусида суҳбатлашмоқда;*
талабалар уйидаги «интернет хонаси» ёшлар хизматида.

Одилжон ЎРОҚОВ олган сурат.

Ушбу мақолалар Ўзбекистон Мустақил оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш жамоатчилик фондининг моддий ва техникавий кўмагида тайёрланди. Лойиҳа номи: «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 мартдаги ПҚ–24-сонли «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш дастури тўғрисида»ги Қарори ижросини амалга ошириш жараёни мониторинги».

Олам турфа

САМОЛЁТНИ ТЎХТАТИШНИНГ АНТИҚА УСУЛИ

Қозонлик икки тижоратчи Қозон авиакомпаниясига 250 минг сўм жарима тўлади. Сабаб: улар 370-рейс билан учмоқчи бўлиб турган самолётнинг жадвал бўйича учишини кечиктиришган.

Эрталаб аэропортнинг маълумотлар бюросига номаълум кимсалар қўнғироқ қилишди. Улар 370-рейс билан учмоқчи бўлган самолётнинг бортидаги жомадонлардан бирида портлагич борлигини маълум қилишди. Рейс учиши тезда тўхтатилди. Ҳаммаёқ тинтув қилинди, бироқ портлагич топилмади. Ўрнига ёлғондан қўнғироқ қилганлар топилди.

Маълум бўлишича, улар Москвага боришмоқчи бўлишган. Бунинг учун патта ҳам олиб қўйишган. Аммо рейсга кечикишган. Шунда улар самолётни тўхтатиб туриш учун бортда бомба бор деб маълумотлар бюросига қўнғироқ қилишган.

МУСИҚА САДОСИ ОСТИДА

Олмониялик Либихлар оиласида ажойиб кучук яшайди.

Кучукнинг оти Бесси бўлиб, кечқурун уйқуси келса, худди ёш болалар йиғлагандек, ҳадеб уввилайверади. Шунда 17 ёшли Виолетта фортепиано чалади. Қарабсизки, кучук "йиғлашдан" тўхтаб, уйқуга кетади. Бу ҳол ҳар куни кечқурун соат 8-9 лар атрофида такрорланади.

ИСТЕЪМОЛЧИГА ЭСЛАТМА

«... Ишлаб чиқарувчи ўз корхонасининг номи ва жойлашган (юридик) манзили ҳақида истеъмолчини хабардор қилиши шарт. Бундай маълумот ишлаб чиқариш маркаси ёки товар белгисида кўрсатилган бўлиши ёхуд бошқа усулда тақдим этилиши лозим...»

«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасидан.

Билиб қўйган яхши!

Зилзила — табиий ҳодисалар ичида табиатга, жамиятга ва экологик вазиятга катта талофат етказувчи, халқ тили билан айтганда, "табиатнинг энг қўрқинчли ва вайронкор қудратга эга бўлган бир кўриниши". Энг ёмони, ҳар қандай табиий офатлар сингари ер силкиниши ҳам фавқулодда содир бўлиб, инсонларни беихтиёр саросимага солиб қўяди.

ОФАТДАН ТАЛОФАТ КЎРМАНГ!

Ер силкиниши пайтида дастлабки ва энг тўғри чора — саросимага тушмаслик

Хўш, бундай вазиятда қандай муҳофаза чораларини қўллаш, энг аввало нималарга эътибор қаратиш зарур?

Ер силкиниши даври бир неча сониядан 2-3 дақиқагача давом этиши мумкин. Бу вақтда хотиржамликни сақлаб, ақл билан иш кўриш ушбу вазиятдан талофатсиз чиқишга кўпроқ имконият яратади.

Зилзила куннинг исталган вақтида рўй бериши мумкин. Шу боис, профилактик нуқтаи назардан ҳар доим, хонанинг асосий девор бурчаги, сейсмик белбоғлари, эшик-ромлари ўрни каби хавфсиз жойларини белгилаб қўйиш ҳамда бу вақтда қандай ҳаракат қилиш лозимлигини билиш мақсадга мувофиқ. Тоғли ва тоғолди ҳудудларда яшайдиган аҳоли эса ер силкиниши оқибатида содир бўлиши мумкин бўлган кўчки, сув тошқини, сел келиши хавфи мавжудлигини унутмасликлари, олдиндан профилактик чора-тадбирлар кўришлари жоиз.

Зилзила содир бўлган вақтда кўпқаватли уйнинг биринчи қаватида ёки ҳовлижойда яшовчилар ер силкиниши бошланганидан 15-20 сония муддатда дарҳол уй ичидан ташқарига чиқиб кетишлари мумкин. Бинодан чиққач, электр узатгич, газ қувурлари, баланд бинолар, кўприклардан узоқроқ жойга бориш лозим. Шунингдек, зилзила вақтида кўп қаватли уйларнинг лифт ёки зинапояларидан фойдаланиш ниҳоятда хавфли. Чунки зилзила пайтида бу қурилмаларнинг биринчи навбатда қулаши кўп кузатилган. Бундай вақтда тўғри чора уй эшигини очиб, эшик ўрнига ёки хонанинг асосий девор бурчагига туришдир. Иморатнинг ойнабанд жойлари, осма анжомларидан узоқроқда туришга ҳаракат қилиш керак. Автоулов ҳайдовчилари зилзила вақтида юқори қаватли иморатлар, ёқилғи қуйиш шахобчалари, электр узатгичлари, тик қиялик, дарё ўзанининг ёни хавфли эканлигини ёдда сақлашлари лозим.

Яна бир масала. Маълумки, табиий шароит, биноларнинг лойиҳа чизмалари чуқур ўрганиб чиқилгандан сўнгтина турар-жой масканлари қурилишига рухсат берилади. Аммо, таассуфки, фуқаролар янги уй-жойларга эга бўлиши биланоқ, ўз дидига мослаб уй тузилишини ўзгартиришга ҳаракат қиладилар. Баъзан кўпқаватли уйларда хоналар ўзгартирилади, деворлар, бурчаклар олиб ташланади. Оқибатда мавжуд бино мустаҳкамлигини йўқотиб турли табиий офатлар, жумладан, зилзилага бардошсиз бўлиб қолади.

Эргаш ИКРОМОВ,
Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи, подполковник;
Хусниятхон ТОЖИБОЕВА.

Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек туманидаги "TOIS BEKS KONNEKT" хусусий корхонаси ўз Низом жамғармасини 9 200 000 сўмдан 200 000 сўмгача камайтираётганлигини маълум қилади.

Утерянный диплом N 066515 выданный 05.07.2004 г. Хамзинским строительным колледжом на имя Ражабова Зухриддина Закиржановича считать недействительным.

Утерянный аттестат O'R-E N 059746 выданный 1999 г средней школой № 17 г.Алмалыка на имя Селиной Юлии Юрьевны считать недействительным.

ООО "YASHNA-KONSALT" (код по ОКПО 21257306) зарегистрированное в Хамзинском районе, ул.Боткина 5/1 ликвидируется. Претензии принимаются в течении 2-х месяцев со дня опубликования объявления по тел: 187-45-38

Утерянный ученический билет N 363 выданный в 2005 г. 2-Ташкентским юридическим колледжом на имя Мадаминовой Гулхаё Валиевровны считать недействительным.

СП "N.COM" (код по ОКПО 17817064) Мирабадского района г.Ташкента ликвидируется. Претензии принимаются в течении 2-х месяцев со дня публикации объявления по тел: 120-89-84

Спортчиларимиз довруғи

"ПАХТАКОР" — БОШ СОВРИНДОР

Россия пойтахти Москва шаҳрида футбол бўйича ўтказилган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги /МДҲ/ мамлакатлари чемпионлари кубоги мусобақасида юртимиз шарафини ҳимоя қилган Тошкентнинг "Пахтакор" жамоаси бош соврин соҳиби бўлди.

Ўн олти мамлакат вакиллари иштирок этган нуфузли мусобақанинг финал баҳсида "С" саралаш гуруҳидан чиққан икки жамоа — "Пахтакор" ва "Вентспилс" /Латвия/ футболчилари ўзаро куч синашди. Ўйин ўзбекистонлик чарм тўп усталари устунлигида ўтди. Учрашувнинг асосий вақтида ҳисоб очилмагач, мусобақа қоидасига биноан йигирма дақиқадан иборат қўшимча вақт берилди. Унда ҳам дарвозалар дахлсизлиги сақлаб қолинди. Ва ниҳоят пенальтилар сериясида "Пахтакор" 9:8 ҳисобида ғалабага эришди.

СУРАТДА: *аэропортда футболчиларимизни тантанали кутиб олиш маросимидан лавҳа.*

Муҳаммад Амин (ЎзА) олган сурат.

Обидалар — тарихимиз

ПАҲЛАВОН МАҲМУД АБАДИЯТИ

Хоразм халқ меъморчилиги намуналаридан бири бўлган тарихий мақбара мисолида намоён бўлади

Хива очиқ музей шаҳар бўлиб, Ўрта Осиё ўрта аср шаҳарсозлиги ва меъморчилигининг яхлит гултожи ҳисобланади. Бу ердаги турли даврларда қурилган ва бир-биридан нафис, нақшларга бой ва гўзал меъморчилик обидалари Хивада меъморчилик санъатининг нақадар юксак даражада ривож топганлигини кўрсатиб турибди.

Хиванинг довруғини жаҳонга таратган Оллоқулихон, Шерғозихон, Қутлимурод Ипоқ, Муҳаммад Аминхон, Муҳаммад Раҳимхон, Исломхўжа мадрасалари, Калта Минор ва Исломхўжа миноралари, Кўҳна Арк, Нуруллабой, Карвонсарой, Саройбоз, Тош ҳовли ва Қўшдарвоза каби улкан қасрлар, саройлар, гумбазлар орадан неча йиллар ўтган бўлишига қарамай, ҳамон ўзининг нафосатини, салобатини йўқотмаган. Хоразм халқ меъморчилиги ва кошинкорлигининг ноёб намуналаридан бири ҳисобланган Паҳлавон Маҳмуд мақбараси ҳам ўзига хос қурилиш услуби, безаги ва тарихига эга. Бу мақбара тарихда Полвон бобо ёки Полвон Пир номи билан машҳурдир.

Тарихий маълумотларга кўра, Паҳлавон Маҳмуд қабри устида синчкори усулида қурилган мўъжаз иморат бўлган. Даставвал кичикроқ қилиб қурилган бу бино ва унинг атрофи давр ўтиши билан янги қурилишлар ҳисобига бутун бир гузарни эгаллаган улкан бинолар мажмуасига айланди.

Ҳозир бу ерда мақбарадан ташқари, масжид, хонақоҳ, зиёратхона, қорихона, мадраса, қабристон, ошхона ва бошқа бинолар бор.

Бу тарихий мақбарани қуришда Хоразмнинг энг моҳир ва тажрибали бинокор усталари қатнашган. Қурилишни хазорасп-лик тажрибали уста Одина Муҳаммад Мурод бошқариб борган. Бино ичи Хива меъморчилиги анъаналари асосида ганч билан сувоқ қилинган.

Дастлаб қурилган хоналарда ранг-баранг сиркор безаклар бўлмаган. Бундай нафис ва жилокор безаклар кейинчалик ишланган. Ҳозир Паҳлавон Маҳмуд мақбарасининг кўрки бўлган ажойиб мовий ранг сиркор кошинли безаклар сағанани, ташқи гумбаз ва пештоқ эса ташқи томонини безаб турибди. Хонақоҳнинг ғарб эшиги орқали зиёратхонага ўтилади. Унда Паҳлавон Маҳмуднинг бежирим безакли сағанаси қўйилган. Сағана мармартош кошин пойдевор устига ўрнатилиб, ўсимликсимон нақшлар билан қопланган.

1825 йилда Хива хони Оллоқулихоннинг буйруғи билан зиёратхона ва хонақоҳга яна бир бор сиркор безаклар берилади. Шунингдек, мақбара гумбази, пештоқининг кўчиб кетган баъзи безаклари ўрнига аввалгисига ўхшатиб янги кошинлар ўрнатилади. Безак гуллар орасидаги китоблар Паҳлавон Маҳмуд рубоийларидан иборат. Бу қоплама безаклар Хоразм меъморчилик санъатининг юксак даражада ривожлангани ва уларни яратган хивалик кошинкор усталарнинг диди ва маҳоратини кўз-кўз қилиб турибди. Хиванинг Мулла Нурмуҳаммад уста Қаландар ўғли, Суфи Муҳаммад Ниёз уста Абдужаббор ўғли ва уста Абдулла каби ҳунармандлари тарихий обидаларни таъмирлаш учун ранг-баранг безаклар яратиб, қадимги Хоразм кулолчилигининг энг яхши анъаналарини қайтадан тиклади. Асосий бинонинг ўйма нақшли эшиклари ҳашамдорлиги билан кишини ўзига ром этади. Ёғочга ўймакор нақш солиш ҳамда гулдор сопол-ларни сирлашда Хива усталарига тенг келадигани бўлмаган.



Эшикдаги ўймакор ёғоч юзасига фил суягидан гуллар ясалган. Гумбазли далон (усти берк йўлак) дан хонақоҳга кираверишдаги эшикнинг кумуш ҳалли мис халқасидаги тарихий ёзувлар (1353 йилда қурилгани ҳақидаги) мажмуанинг жуда қадимийлигидан гувоҳлик беради. Сернақш ўйма эшикларни истеъдодли уста Нодир Муҳаммад 1893-1894 йилларда ясаган ва ўз номини ёзиб қолдирган. Паҳлавон Маҳмуд мақбарасидаги нақш-безаклар бинонинг шуҳратини, чиройини янада оширади.

1913 йилда Хива хони Асфандиёрхоннинг буйруғи билан Қурбон Ниёз бошлиқ усталар мақбара ёнига икки қаватли Қорихона биносини қуришди. У ҳовлининг бутун ғарбий томонини эгаллайди. Шундай қилиб, ҳовлининг жануби-ғарбий қисмида ўймакор устунли айвон қурилиши билан кўркам меъморчилик мажмуи бунёд бўлди.

Вақт ўтиши билан табиий офатлар, зилзилалар таъсирида Хивадаги тарихий обидалар, шу жумладан, Паҳлавон Маҳмуд мақбараси ҳам таъмирталаб бўлиб қолди. 1950 ва 1970 йилларда Хиванинг таниқли усталари — Раимберди Матжонов, Болта Воисов, Рўзимат Машарипов, Ота Полвонов ва бошқалар мақбарани қайта таъмирлашда қатнашди. Хива шаҳрининг 2500 йиллиги (1997 й.) олдидан унга ишлов берилиб, турли хил гулдор нақшлар, кошинлар билан безатилди.

Паҳлавон Маҳмуд мақбарасининг энг муҳим хусусияти гумбазнинг ниҳоятда катталиги ва тепасининг зарҳалланганлигидир. Ҳар гал санъаткорона ишланган бу мақбарага кирганимизда хивалик қўли гул усталарнинг ақл-заковати, нозик санъати олдида лол қоламиз.

Бу қадимий бино нақшларида халқимизнинг буюк ва бой тарихию ўтмиш маданияти, юксак санъатию асрлар оша яшаб келаётган ҳунармандчилиги намоён бўлиб тураверади.

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ

МУНАЖЖИМЛАР ТАЬБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Айни кунларда яқинларингиз билан муносабатда босиқроқ бўлинг. Акс ҳолда зиддиятли вазиятлар юзага келиши келиши мумкин.

СИГИР(22.04-20.05)
Ҳафта давомида бирор ишни бошлагудек бўлсангиз таваккал қилмаганингиз маъқул. Ҳамкор танлашда адашманг.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Шу кунларда соғлиғингизга жиддий эътибор беринг. Ҳафта сўнгида яқинларингиздан хушхабар эшитасиз.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)
Ҳафта қизиқарли воқеаларга бой бўлади. Ижод аҳли учун эса сермаҳсул бўлиши кутилмоқда.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Мазкур бурж вакиллари ҳафта давомида молиявий масалада тежамкорроқ бўлганлари маъқул. Ахир эртанги кун ҳақида ҳам ўйлаш керак-да.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Ушбу ҳафтада ташаббускорроқ бўлишга ҳаракат қилинг. Бу ишдаги салоҳиятингизни оширишга замин яратади.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Айни кунларда иш ҳамкорлик юзасидан таклифлар тушиши мумкин. Бирор қарорга келишда оила аъзоларингиз билан маслаҳатлашинг.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Ҳафта давомида молиявий аҳволингизни тиклаб олишингиз учун қулай имконият туғилиши мумкин. Ундан унумли фойдаланиб қолинг.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Арзимаган нарсага ҳам асабийлашаверманг. Бу ҳам соғлиғингизга, ҳам обрўингизга путур етказиши мумкин.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Ҳафта мазкур бурж остида туғилганлар учун тинч ва осуда кечиши кутилмоқда. Фақат дам олиш кунлари узоқ сафарга чиқишингиз мумкин.

КОВҒА (20.01-18.02)
Шу кунларда шахсий ҳаётингизда ўзгаришлар бўлиши эҳтимоли бор. Бундай вазиятларда ақл билан иш юритганингиз маъқул.

БАЛИК (19.02-20.03)
Атрофингиздагиларнинг сизга нисбатан танқидий муносабатда бўлишидан асло ранжиманг. Аксинча, бундан яхши хулоса чиқаришга ҳаракат қилинг.

Маҳалланғиз тарихини биласизми?

Мамлакатимиздаги кўпгина қишлоқ ва маҳаллалар турли тарихий номлар ҳамда атамалар билан юритилади. Асрлардан асрларга ўтиб келаётган ана шу қадимий топонимлар орасида бир қанчаси ҳатто халқ орасида маълуму машҳур. Бироқ вақт ўтиши билан одамлар талаффузида ўз шакл-мазмунини ўзгартирган ва кейинчалик мавҳумий атамага айланган жой номларининг ҳар бири ўз тарихига эга.

ШИВЛИМИ Ё ШАЙХ ШИБЛИЙ?

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги Шайх Шиблий деб аталадиган маҳалла номи ҳам узоқ ўтмишга дахлдор. Энг қизиғи, яқин-яқингача ушбу маҳалла Шивли номи билан юритиб келинган.

Маълумки, жой номлари муайян тилда маҳаллий халқ томонидан тарихий тараққиёт давомида яратилади ва ўша даврнинг ижтимоий ҳаёти ҳақида ахборот беради. Биз юқорида тилга олган Шайх Шиблий номли маҳалла ҳам ана шундай жараёнда ўз номига эга бўлди. Тарихий маълумотлар асосида айтадиган бўлсак, хусусан, Заҳириддин Муҳаммад Бобур "Рисолаи волидия" таржимаси хотимасида Шайх Шиблий номини Жунайд Бағдодий номи билан бирга зикр этган. Зеро, Абубакр Шиблий 859 йилда туғилиб, 946 йилда вафот этган бўлиб, ўз даврининг кўзга кўринган уламоларидан бўлган. У Жунайд Бағдодий қўлида таълим олади. Алишер Навоийнинг ёзишича, Жунайд ўз шогирдига бундай баҳо берган: "Ҳар бир қавмнинг тожи бор, бу қавмнинг тожи эса Шиблийдир".

Шайх Шиблий ўз ҳаётида кўп сафарларда, жумладан, Араб мамлакатларида, Рум ва Хуросон ўлкаларида бўлган. Унинг тасаввуф таълимоти тарихида тутган ўрни катта.

"Шиблий бобо мозори" — пойтахтимиздаги ҳозирги "Семашко" номидаги шифохона яқинида жойлашган. Айни пайтда ана шундай юксак эътиборга лойиқ бу тарихий шахс номи билан маҳалла ва кўча ҳам аталади.

УЧ ТИЛДА МАЪЛУМ ҚИШЛОҚ

Тошкент шаҳри ҳудудида Қорёғди деб аталадиган маҳалла мавжуд. Ушбу маҳалла номини ўрганган бир қатор археологлар бу ҳудуднинг бундай юритилиши қадимда халқ орасида амал қилган "Қорёғди" маросими билан боғлиқ бўлса керак, деган фикрни илгари суришади.

Аслида, ушбу топонимнинг ҳеч қандай маросимга алоқаси йўқ. Қорёғди илк ўрта асрларда Мадинат аш-Шош номи билан шуҳрат топган қадимги Тошкентнинг шимоли-ғарбий томонида, шаҳарга яқин жойлашган қишлоқдир. Ушбу жой номи икки бўғинли бўлиб, "қарйа ва иди" сўзларидан шаклланган.

"Қарйа" сўзи арабча, "иди" эса форс-тожик тилида қишлоқ маъносини англатади. Ҳар икки тилларда ҳам "қишлоқ+қишлоқ" сўзлари бирикмасидан юзага келган бу топонимнинг мазмуни ўз замонида ҳар икки тилда сўзлашувчи аҳолига тушунарли бўлган.

"Қорёғди"нинг маънодош — синонимик (арабий, форс-тожик ва ўзбекча) бирикмаси асосида шаклланган маҳаллий жой номи айнан таржима этилиб, бириктирилганидан далолат беради. Кейинчалик Тошкент шаҳри ташқарисида жойлашган Қарйади қишлоғи авлодлар талаффузида Қорёғди деб юритилиб кетган.

Қарйади қишлоғининг харобалари яссиқ тепа шаклида то ўтган асрда Тошкентда юз берган машъум зилзилагача Қорёғди маҳалласида сақланган эди. Маҳалла аҳолиси бу моддий-маданий ёдгорликни "Қишлоқтепа" деб аташарди.

Акбар АЛИЕВ тайёрлади.

Жиноят ва жазо

Жиззах вилояти

ҚИНҒИР ИШГА МОЙИЛ... ОДАМЛАР

Жиззахлик Зарифа Саттарова 35 ёшигача уч марта судланган. Маълумотига кўра, касби — ўқитувчилик, болаларни илм-фанга, маърифатга ўргатадиган инсон. Бироқ Зарифа учун ҳаётдаги энг муҳим нарса — осонликча, мўмай пул топиш. Уни ҳатто тўрт нафар фарзандининг келажаги, тарбияси ҳам қизиқтирмайди. Бундан ташқари, онасининг бундай хатти-ҳаракатларини кўрган фарзандларнинг келажакда жамиятга фойда келтириб, юрт равнақига ҳисса қўшадиган инсон бўлиб етишишига ким кафолат бера олади? Хуллас, Зарифа бу ҳақда эмас, кўпроқ товламачиликнинг янги-янги усулларини топиш борасида бош қотирарди.

У галдаги ёлғонни ўйлаб топди. Ёлғону фирибга лаққа тушадиганлар учун гўёки, институтга олиб кириб қўйишга қурби етадиган "уддабурон"га айланди. Бундай гап-сўзларга учадиганлар — нодонлар албатта, топилди.

Дастлаб Зарифанинг тузоғига Тошкент вилояти Пискент тумани А.Дўстбеков номли жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи фуқаро Г.Раҳматова илинди. Зарифа ундан "Қизингизни Жиззах Давлат педагогика институтининг сиртқи бўлимига ўқишга киритиб қўяман", деб 200 минг сўм пулини олади. Тез орада у Г.Раҳматовага қизи Г.Абдиеванинг талаба бўлганлиги ҳақидаги сохта маълумотнома ва чақирув қоғозини тутқазади.

Қаранг, қинғир йўлнинг сеҳри борми, дейман Г.Раҳматованинг бу ёлғонга ўзи ишонгани етмаганидек, бошқа мижозлар топиш борасида ҳам Зарифа билан ҳамкорлик қила бошлайди. Шу тариқа Г.Раҳматованинг ҳамқишлоғи Ш.Турсунова фирибгарнинг иккинчи "ўлжа"сига айланди. 375 минг сўм эвазига 4-5 кун ичида Ш.Турсунова учун Жиззах Давлат педагогика институтининг "Бошланғич таълим" факультети талабаси деган қалбаки ҳужжат тайёр бўлди. Зарифанинг нафси ҳакалак отиб, ноқонуний фаолияти ҳудудини янада кенгайтирди.

Бу гал тузоққа Самарқанд вилояти Тойлоқ туманилик фуқаро И.Хусенов илинди. Ундан ўша институтнинг сиртқи бўлимига ўқишга киритиб қўйиш учун 500 минг сўм пул олди. Институтда сиртдан ўқияпти, деган қалбаки ҳужжатни қўлга олгач, И.Хусенов қишлоғига жўнаб кетди. Унинг ўқишга киргани ҳақидаги хабар эса қўшни қишлоққа ҳам етиб боради. Қинғирликнинг қийиғи очилгунча унинг сеҳри кўпларни ўзига торта бошлайди. Испанди қишлоғида истиқомат қилувчи К.Сафарова қизи Ч.Жўраевани институтга киритиб қўйишни Зарифадан илтимос қилади ва эвазига 400 минг сўм беради. Омад кулиб боқаётганидан хурсанд бўлган товламачи бу гал ҳам қалбаки маълумотнома ва чақирув қоғозини тезда тайёрлаб "мижоз"ларининг қўйнини пуч ёнғоққа тўлдириб жўнатади.

Бироқ ҳамма нарсанинг интиҳоси бўлгани каби, Зарифанинг фаолияти ҳам якун топди.

Аввало Зарифага ўз пулларини қўшқўллаб топширганлар институтга бориб, ўзларининг қинғир йўл билан талаба бўла олмаганликларини билиб олишди. Сўнг эса жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар суди томонидан З.Саттарова Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 228-моддаси 2-қисми "а", "б" бандлари ва 168-моддаси 2-қисми "а", "б", "в" бандларига мувофиқ айбдор деб топилди ва унга нисбатан тегишли жазо белгиланди.

Шу ўринда айтиш жоизки, кейинги пайтда фирибгарлик, товламачилик каби жиноятлар авж олмоқда. Бунга ким сабабчи? Албатта, одамларнинг ўзлари. Фирибгарларнинг ўқишга киритишу ишга жойлаш, чет элга мўмай даромадли ишга жўнатиш каби уйдирмаларига алданганликларини англаб етганларида эса "соддалик қилибмиз, бизни лақиллатишибди" дея дод солишади. Бироқ улар оддий ҳақиқатни тушунишни истамайдилар. Дунёнинг қайси давлатида ўқишга кириш ё ишга жойлашиш масаласи бундай ҳал қилинади? Талаба бўлиш учун аввало билим кераклиги, давлат тест синовларини топшириш лозим эканлигини ҳатто мактаб ўқувчилари ҳам яхши билишади-ку. Наҳотки, бир олий даргоҳ дарвозасининг калити у ерда ишламайдиган аёлнинг қўлида бўлса?! Наҳотки, бу инсонлар қинғир ишга бунча мойил бўлмаса...

Ш.ХУДОЁРОВ,
Жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар судининг судьяси.
Д.ЖЎРАЕВА,
"Mahalla" мухбири.

Андижон вилояти

Андижон шаҳридаги Гумбаз маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Тўлқинжон Акбаров раҳбарлигида маҳалла фаоллари ва оқсоқолларидан иборат 15 киши юртимизнинг қадимий ёдгорликлари жойлашган Бухоро, Самарқанд, Хива шаҳарларига саёҳатга бориб келдилар.

ҲАМ САЁҲАТ, ФАОЛИЯТ

Дастлабки учрашувлар Самарқанд шаҳридаги Усмон Юсупов номли маҳалла фуқаролар йиғинида бўлди. Иккинчи куни эса Боғишамол маҳалласида олиб борилаётган турли йўналишдаги ишлар юзасидан фикр-мулоҳазалар ўртоқлашилди.

Кўҳна Бухоро шаҳрига уюштирилган саёҳат жараёнида Ширбуддин маҳалласининг иш фаолияти ўрганилди. Бу ерда аҳолини иш билан таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар андижонликлар томонидан юқори баҳоланди.

Хива шаҳри ва шаҳар атрофидаги обидалар зиёрати айниқса, унутилмас бўлди. Меҳмонлар Хива туманидаги Ичанқалъа мажмуаси, Калта минор, Паҳлавон Маҳмуд мақбараси, Феруз даврини акс эттирган музейларда бўлишди.

МУХБИРИМИЗ

Жиззах вилояти

Ўзбекистон — умумий уйимиз

ҚОЗОҚ ТЕАТРИ УЧУН КАДРЛАР

Вилоятда қозоқ мусиқали драма театри, "Қамажай" фольклор-этнографик дастаси ва қозоқ ёшлари эстрада гуруҳи фаолият кўрсатиб келмоқда.

Мирзачўл тумани аҳолисининг ўттиз фоиздан зиёдини қозоқ миллати вакиллари ташкил этади. Анорқул Қулмонов номидаги қозоқ мусиқали драма театрининг туман маркази - Ғагарин шаҳрида жойлашгани ҳам бежиз эмас. Ўзбек драматурглари асарларини қозоқ томошабинларига, қозоқ муаллифларининг ижод намуналарини ўзбек мухлисларига етказишга интилаётган ушбу театр икки халқ учун ҳам бирдек қадрли. Ўтган йили театр янги бинога эга бўлди.

Театрга ёш кадрларни жалб этиш, жамоани истеъдодли ёшлар билан бойитиш мақсадида Жиззах санъат коллежининг драма ва кино актёрлари тайёрлаш бўлимида қозоқ тилида таълим оладиган миллий гуруҳ ташкил этилди.

Тошкул БЕКНАЗАРОВ,
ЎзА мухбири.

Ҳурматли Жамолиддин ШОҲАКИМОВ!
Сизни муборак 60 ёшингиз билан қизғин кутлаймиз. Ўз фаолиятингиз орқали маҳаллаларимиз ривожига қўшаётган ҳиссангизни мамнуният билан эътироф этамиз.
Сизга узоқ умр, самарали фаолият, оилавий бахт, тани-сиҳатлик тилаймиз!
Мирзо Улуғбек номли тумандаги маҳалла йиғинлари раислари

Ушбу белги остида эълон қилинаётган мақолалар Ўзбекистон Мустақил оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш жамоатчилик фонди томонидан ажратилган грант лойиҳаси доирасида тайёрланган.

Утерянный земельный кадастр № 2550777180 выданный Национальному центру медико-социальной и профессиональной реабилитации инвалидов Республики Узбекистан считать недействительным.

Утерянный временный ордер на квартиру на имя Касымова Бахадира Турсуновича по адресу Чиланзар-5, дом 46, кв.81 считать недействительным.

Тошкент шаҳри Учтепа туманидаги "NODIR VA KODIR MEHNAT" МЧЖ тугатилмоқда. Даъволар эълон чиққан кундан эътиборан 2 ҳафта мобайнида қабул қилинади. Тел: 274-03-74

ЧФ "BAXT-FAYZ-PETROL" (код по ОКПО 19119364) Ташкентской области Зангиатинского района преобразуется в ООО ЧФ"BAXT-FAYZ-PETROL". Претензии принимаются в течении 2 месяцев со дня публикации. По тел: 292-47-71.

"Бурсел Тошкент Текстиль" МЧЖ КК раҳбарияти, ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан, Туркия фуқароси Ташкан Хасан (паспорт серияси TR-N № 834787) номига берилган меҳнат фаолияти ҳуқуқи тасдиқномаси № 2461 ТошВ йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Утерянный аттестат NT 080748 об окончании профшколы №7 г.Алмалыка выданный 2002 г на имя Селина Юлия Юрьевны считать недействительным.

Республиканский лицей СВПУ объявляет конкурс на производство работ по капитальному ремонту здании и сооружений. Объем и стоимость будут определены после регистрации смет расходов учреждения на 2007 г. Заявки и предложение принимаются в течении 20 дней со дня публикации объявления. Адрес: г.Ташкент ул.Янгизамон-10, тел: 199-85-67

Тошкент шаҳри Учтепа тумани 64-сонли Катталар таълим маркази томонидан 2004 йилда Жуманов Шерзод Мухаммадиевич номига берилган O'R-A N 17047-59 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

ЧП "SABINA GOLD" (код по ОКПО 21347558) Шайхантахурского района г.Ташкента ликвидируется. Претензии принимаются в течении 2-х месяцев со дня публикации по тел: 119-04-55, 199-04-97

Тошкент шаҳри Учтепа тумани "ZAFMEN" МЧЖ ўз таъсисчилари таркиби ўзгараётганлиги ва Низом жамғармаси 130 000 сўмдан 650 000 сўмгача ошираётганлигини маълум қилади. Даъволар қуйидаги телефон орқали қабул қилинади: 300-66-96

Утерянный аттестат N 024682 выданный 1992 г. средней школой №33 Чирчикского района на имя Ким Александр Арсеньевича считать недействительным.

«Маҳалла» жамғармаси Навоий вилояти Учқудуқ ва Қизилтепа туманлари бўлинмалари Қизилтепа туманидаги Ғамхўр қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Замон Самановга укаси **Ғайбулла САФАРОВ**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Mahalla

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Таънаберди ҚУРБОНОВ, Фаррух БЎТАЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Мавлуда ҚОСИМОВА (масъул котиб), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ.

Таҳририят ўзи буюртма бермаган ҳолда таҳририятга келган мақолалардан, хат, хабарлардан газета ўйналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Таҳририят бундай мақолалардан газета саҳифасида фойдаланмаганлиги учун ҳисобдор эмас.
Таҳририятга келган шикоят мактубларидан фақат таҳририят нуқтаи назари бўйича фойдаланилади. Таҳририят унга ечим ясаш масъулиятига эга эмас.
Газета тарғиботи учун ҳажми 15 см квадратгача бўлган реклама, таъзия ва эълонлар бепул эълон қилинади.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Котибият — 136-55-69
Хатлар бўлими: 136-57-62

2007 йил 31 январь
5 (555)

17439 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-03 Топширилди — 22.30
1 2 3 4 5 6